

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ФАКУЛЬТЕТЛАРАРО ЧЕТ ТИЛЛАР” КАФЕДРАСИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Гулистон давлат университети
Ўқув ишлари бўйича
проректор _____ Н. Баракаев
“____” “август” 2017 йил

“НЕМИС ТИЛИ” ФАНИ БЎЙИЧА

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

(I-курс)

Таълим соҳаси: Бакалаврият

Таълим йўналиши: Барча таълим йўналиши 1-босқич талабалари учун

Умумий ўқув соати: 122

Шу жумладан : Маъруза _____

Амалий машғулотлари – 76

Мустақил таълим соатлари – 46

Фаннинг ишчи ўқув дастури намунавий ўқув дастури ва ўқув режасига мувофик ишлаб чиқилди.

Тузувчи: “Факультетлараро чет тиллар” кафедраси катта ўқитувчиси Ф. Мухаммедова

Тақризчи: Инглиз тили ва адабиёти кафедраси доценти, ф.ф.н. Х. Тожиев _____
(имзо)

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Факультетлараро чет тиллар” кафедрасининг 2017 йил “24” август санасидаги 1-сон қарори билан кўриб чиқилиб, Филология факультети илмий Кенгашига муҳокама қилиш учун тавсия қилинди.

Кафедра мудири _____ А.Позиллов.

Фаннинг ишчи ўқув дастури Филология факультети илмий Кенгашининг “25” август 2017 йил 1-сонли қарори билан тасдиқланди.

Факультет илмий Кенгаши раиси: _____ катта ўқитувчи Э.Хамдамов.

“Немис тили” фанининг ишчи ўқув дастури Гул ДУ ўқув методик кенгашининг “26” август 2016 йил 1-сонли мажлисида муҳокама этилди ва маъқулланди.

Келишилди:

Ўқув ишлари бўйича проректор _____ Н.Р.Баракаев.

Кириш

Мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар” тўғрисидаги 124-сонли қарорлари ҳамда Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэтироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR – Common European Framework of Reference) га мувофиқ қайта ишлаб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг “Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар” га кўра олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлмаган факультетлари бакалаврият босқичи битирувчилари тўрт йиллик таҳсиллари нихоясида ўрганган чет тили бўйича В2 даражани эгаллашлари лозим.

Ушбу дастур “Чет тили” фанини икки босқичга бўлинган ҳолда ўқитишни назарда тутди:

- **умумий босқич** (умумий чет тили ўрганилади).
- **касбга йўналтирилган босқич** (чет тили махсус мақсадларда ўргатилади).

Ҳар бир курс учун ажратилган ўқув соатлари тенг, яъни 50%дан тақсимланади. Курслар бир-биридан мавзуси, лексик тизими, ўқув матнлари, нутқ фаолиятлари хусусияти ва мавқеига қараб малакаларни ривожлантириш бўйича фарклансада, ўқув жараёни учун умумий бўлган грамматик мавзулар, ўхшаш синтактик ҳодисалар, нутқ кўникма ва малакаларини эгаллашда ўзаро узвий боғлиқ ва узлуксиз ҳолда ўргатилади. Чет тилини ўргатиш ихтисослик хусусиятларидан келиб чиқиб, “**Чет тили махсус мақсадлар учун**” тамойилларига ва коммуникатив, интегратив компетентлик ёндашувларига асосланади.

Коммуникатив фаолиятга йўналтирилган ёндашув - таълимнинг ривожлантирувчи, функционал ва коммуникатив хусусиятларига эга бўлиб, таълим жараёнида билиш фаоллигини оширишга кўмаклашади. Таълим жараёнида мазкур ёндашув талабаларда рефлексия, ўз-ўзини ривожлантириш, намоён этишга кўмаклашади; чет тили таълимини маданиятлараро мулоқот сифатида ташкил этишга; дарс жараёнида ўқитувчи талабаларнинг ўзаро тенг ҳуқуқли иштирокчи сифатида ўзини намоён этишларини таъминлайди; таълимнинг интерактив шакллари қўллаш; талабаларда янги тил малакалари, соcio-маданий билимлар, амалий малакавий кўникмаларни мустақил эгаллашни ривожлантириш.

Шахсга йўналтирилган ёндашув - чет тилини ўқитишда нафақат илмий билимлар бериш, балки таълим жараёнининг иштирокчилари (талабалар, ўқитувчилар, ота-оналар) муносабатларининг фаол шакллари асосланиш; талаба характери ва унинг ўзини ривожлантириш усуллари ўрганиш; индивидуалликни шакллантириш учун талабага қулай шарт-шароитлар яратиш; маданиятимизда шаклланган шахснинг психик ривожлантириш меъёрлари ҳақидаги тасаввурларни ўзгартириш (горизантал эмас, балки вертикал, яъни талаба ривожланиш динамикасини унинг олдинги ҳолати билан таққослаш орқали амалга оширишни, бошқалар билан эмас, балки уни ўзи билан таққослаш).

Интегратив ёндашув – турли фанлардан олинган билимлар, кўникма, малака ва тажрибани ҳисобга олиш, таяниш, интеграция қилиш, чет тилида коммуникатив, касбий коммуникатив, ижтимоий компетентликни баравар ривожлантиришни назарда тутди.

Таълимда компетентлик ёндашув - муайян натижаларга эришиш ва муҳим компетенцияларни эгаллашга қаратилади. Компетенция бўлажак касбий фаолиятга қараб шаклланиб боради. Бундай шароитда таълим жараёни янги мазмунга эга бўлади, у ўрганиш ва ўргатиш жараёнига айланади, яъни касбий ва ижтимоий аҳамиятга эга

компетентликни мустақил ўқиб ўрганиш, ижтимоий-меҳнат, маданий, маиший ҳамда маданий ҳордиқ соҳаларда чет тилини қўллашга эришилади.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Чет тили фанининг мақсади талабаларнинг кўп маданиятли дунёда касбий, илмий ва маиший соҳаларда фаолият юритишларида коммуникатив компетенция (унинг таркибий қисмлари ҳисобланувчи лингвистик, социо-лингвистик, прагматик ва бошқа компетенциялари)ни шакллантиришдан иборат.

Компетенция – коммуникация (мулоқот) иштирокчиларитомонидан таълимнинг аниқ мақсадларига қаратилган нутқ фаолиятини ривожлантиришга имкон берадиган билим, кўникма, малака ва шахсий фазилятлар йиғиндисини ифодалайди.

Чет тили коммуникатив компетенцияси – ўрганилаётган чет тилида сўзлашувчилар билан мулоқот қилишни амалга ошириш қобилияти ва тайёргарлиги, шунингдек, талабаларнинг тили ўрганилаётган мамлакат маданияти билан танишиш, ўз мамлакатини маданиятини янада яхшироқ англаш, уни мулоқот жараёнида тақдим эта олишини назарда тутати. Мазкур ўқув фанини ўрганишнинг асосий вазифаларига талабаларда қуйидаги компетенцияларни ривожлантириш киради:

Лингвистик компетенция ўрганилаётган тил соҳиблари билан мулоқот қилиш учун тил материаллари (фонетика, лексика, грамматика)ни етарли даражада билиш ва нутқ фаолияти турлари (тинглаб-тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув)да қўллай билишни назарда тутати.

Ижтимоий-лингвистик компетенция сўзловчининг бирон бир нутқий вазият, коммуникатив мақсад ва хоҳиш-истагидан келиб чиққан ҳолда керакли лингвистик шакл, ифода усулини танлаш кўникма ва малакаларни ўз ичига олади.

Ижтимоий-маданий компетенция аутентик нутқнинг миллий хусусиятларини: ўзи яшаётган мамлакатнинг урф-одатлари, қадриятлари, маросимларива бошқа миллий-маданий хусусиятларини тили ўрганилаётган мамлакат билан таққослаган ҳолда тақдим эта олиш компетенциясидир.

Ижтимоий компетенция - ижтимоий-лингвистик ва социо-маданий компетенцияларни ўз ичига олади. У ҳозирги кўпмаданиятли дунёда таълим олувчиларда чет тилини ўрганиш муҳимлиги тушунчаси, чет тилида мулоқот қилиш, ўз устида мустақил ишлаш ва ижтимоий мослашув воситаси сифатида фойдаланиш эҳтиёжини шакллантириш ва ривожлантириш, фуқаролик, ватанпарварлик фазилятларини тарбиялашда, чет тили орқали маданиятлараро мулоқотни амалга ошириш истаги ва хоҳишида намоён бўлади.

Прагматик компетенция қуйидагилардан иборат:

Дискурсив компетенция (дискурс – оғзаки ёки ёзма нутқ матни) матнни тўғри талқин қилиш ва тузиш, шунингдек, шунга мос нутқий мулоқот турини танлаш учун оғзаки ва ёзма (стилистик ҳамда таркибий қисмларини билиб олишни назарда тутган) матнлар тузиш кўникма ва малакаларидан иборат.

Стратегик (компенсатор) компетенция чет тили муҳитида нутқий ҳамда ижтимоий мулоқот тажрибасидаги камчилик ва нуқсонларни айрим вербал/новербал воситалар ёрдамида тўлдириш, коммуникатив вазиятда тушунмовчиликлар пайдо бўлганда такроран сўраш, узр сўраш ва ҳоказолар орқали мураккаб вазиятлардан уддабуронлик билан чиқиб кета олиш қобилиятини назарда тутати.

Ўқув - билиш компетенцияси таълим олувчининг мустақил билим олиш фаолиятида чет тиллар ва маданиятларни ўрганишнинг компетенциялар йиғиндиси бўлиб, замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган мантиқий, методологик ва умумтаълим вазифаларни ўз ичига олади.

Чет тилини ўқитиш дидактик, методик, лингвистик тамойилларни ҳамда замонавий таълим технологияларини қўллаш асосида амалга оширилади.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар”да олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлмаган факультетлари бакалаврият босқичи битирувчилари тўрт йиллик таҳсиллари нихоясида ўрганган чет тили бўйича В2 даражани эгаллашлари шарт. Унга кўра битирувчи талабалар В2 даражани таъминловчи қуйидаги коммуникатив компетенцияларни эгаллашлари лозим.

Лингвистик компетенция:

Тинглаб тушуниш

- ✓ узоқ давом этган суҳбат ва мураккаб далиллар келтирилган матнни тушуниш ва идрок этиш;
- ✓ маъруза, суҳбат, мукаммал йўриқномалар, академик ва касбий презентациялар, савол-жавоблар асосий мазмунини тушуна олиш;
- ✓ реклама, эълон ва маълумотномаларни тушуниш;
- ✓ мураккаб аутентик нутқни таниш ва нотаниш контекстда тушуна олиш;
- ✓ тил соҳиблари суҳбатлари ва баҳс- мунозараларини тушуна олиш;
- ✓ радио ва интернет материаллари, интервьюларни (суҳбат) тўлиқ даражада тушуна олиш.

Гапириш

Диалог

- бизнесдаги ҳамкори билан музокара олиб бориш;
- аниқ масалалар бўйича ахборот олиш;
- узоқ муддатли музокараларда тил соҳибби билан қатнашиш, уларни қўллаб-қувватлаш, керак бўлса музокараларни бошқариш;
- кундалик мавзуларда баҳс-мунозара, музокараларда фаол қатнашиш;
- ихтисослик (касб) бўйича интервью, суҳбатларда қатнашиш;
- фикрни аниқлаштириш, қайтадан тузиш ва баҳс- мунозара ривожига ўз ҳиссасини қўшиш;
- музокаралар олиб бориш жараёнида муаммоларни ечимини усталик билан ҳал этиш;
- вазиятга қараб саволлар бериш ва жавоб қайтариш.

Монолог

- алоҳида мавзу бўйича қилинган презентациялар ўтказиш;
- ихтисослиги бўйича асбоб-ускуналарни аниқ ва равшан тасвирлаш;
- алоҳида мавзу бўйича оғзаки маъруза тузиш;
- мақола, маъруза, баҳс-мунозараларни аниқ ва равшан қилиб умумлаштириш;
- аниқ тизимга асосланган ҳолда қўшимча, етарли бўлган ҳолда ва таниш мавзу бўйича ўз фикрини ифода қила олиш.

Ўқиш

- таниш ва нотаниш мавзу бўйича тузилган матнлардан асосий / керакли бўлган ахборотни, шахсий ва мутахассислик бўйича корреспонденцияларни (хат-хабарларни) тушуниш;
- диаграмма, схема, чизмаларни қисқача таърифини тушуниш;
- мураккаб бўлган маълумотларни идрок этиш;
- махсус, мураккаб бўлган ёзма йўриқнома ва қўлланмаларни тушуниш;
- касбга оид мақола ва маърузалардан керакли ахборотни ажратиб олиш;
- керак ёки ноқераклигини аниқлаш мақсадида матнни у ёки бу қисмини синчиклаб ўқиш, конференция дастурларини ўқиб тушуниш.

Ёзув.

- махсус маълумотларни (тил юзасидан бўлган хатларни, маълумотларни, электрон хатларни) ёза олиш;
- эссе ва маърузаларни ёза олиш;

- аниқ мантиққа эга бўлган илмий мақолалар ва илмий тадқиқот ишларни ёза олиш;
- ёзма таклифлар, ҳисобот ва резюмелар туза олиш;
- битирув малакавий ишларни зарур бўлганда ёза олиш.

Тил компетенцияси

Лексик компетенция

- касбий лексика ва терминларни ишлата олиш;
- коммуникатив вазиятларда мавзуга оид бўлган лексикани ишлата олиш;
- интернационал сўзларни тушуниш ва қўллай олиш.

Грамматик компетенция

- мураккаб грамматик ва синтактик қурилмаларни коммуникатив вазиятларда қўллай олиш;
- боғловчи сўзларни тўғри қўллаш;
- мутахассисликка оид матнларни унинг мазмунини тушуниш мақсадида матнни таҳлил қилиши талаб этилади..

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Чет тили фани ижтимоий-иқтисодий фанлар ва ихтисослик фанлари билан ўзаро боғлиқ. Ушбу фан бошқа фанлар билан интеграллашган ҳолда ўргатилади.

Фаннинг фан, таълим ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Чет тили фани ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган. Талабалар мазкур фандан ўрганган билимларидан бошқа ихтисослик фанларини ўзлаштиришда (соҳага оид маълумотларни чет тилида излаб топиш, таҳлил қилиш ва билим олиш жараёнида фойдаланиш), келгусидаги касбий фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

“Чет тили” фанини ўқитишда таълимнинг қуйидаги илғор ва замонавий технология ва методларидан фойдаланилади:

- педагогик маҳорат технологияси (Ю.Н.Кулюткин, Е.Б.Спасская);
- билимдонлар баҳси;
- мавқеингизни эгалланг – шиорлар асосидаги баҳс;
- таълимнинг фаол услублари: “Кейс-услуби” (Гарвард университети бизнес мактаби), ишбоп ўйинлар.

Ижодий топшириқларни гуруҳ билан ҳал қилиш услубларидан:

- **дельфи услуби** – таклиф қилинган ечимдан статистик услуб асосида беш камчиликни аниқлаш ва улардан энг яхшисини танлаб, баҳолаш, камчиликлар сабабини аниқлаш;
- **кора қути услуби** – масалани таҳлил қилиш, ижодий баҳс орқали камчиликлар сабабини аниқлаш;
- **кундаликлар услуби** – гуруҳ аъзоларининг ён дафтарчаларидаги ёзувларни таҳлили ва уларда берилган таклиф-мулоҳазаларни муҳокама қилиш, умумий фикр ишлаб чиқиш;
- **“Тўғридан-тўғри жамоавий ақлий ҳужум”** (Дж.Дональд Филлипс) – 20-60 кишилиқ катта аудиторияда янги фикрларни, самарадорликни ошириш иш ёки машқ мини-гуруҳларда олиб борилади ва фикрлар жамоада муҳокама қилинади;
- **“Ақлий ҳужум”** – (Е.А.Александров и Г.Я.Буш) – гуруҳ қатнашчилари ижодий ғояларини жамоа, ғоялари билан қарши ғоялар ёрдамида фаоллаштириш, уларни қўллашни баҳолаш;

- **сенектика услуби** (У.Гордон) – муаммони ифодалашга ўргатиш, унинг қисмларини аниқлаш, муаммони ечишдаги ўхшашликларни топиш. Креативликни ўстириш, оддий ҳодисаларнинг ғайри-табиий томонларини топиш, ижодий қобилиятларини аниқлаш;
- «**АРИЗ – ТРИЗ**» (Г.С.Альтшуллер ва унинг мактаби, ТРИЗ - кашфиёт топшириқлари технологияларини ривожлантириш) – ўрганилаётган тизим ривожланиши қонуниятларига бўйсундирилган мантикий операциялар тизими 40 усулдан иборат: “қўшилиш”, “матрёшка”, “қарама-қарши”, “зарарни фойдага айлантириш” ва бошқалар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Нутқ мавзулари:

Қундалиқ мавзу (ўзи ҳақида, оиласи ҳақида, бўш вақтни ўтказиши ва ҳоказо).

Ижтимоий мавзу (атроф-муҳит, маиший ва касбий йўналишда ижтимоий муносабат).

Таълим мавзуси (ўқув муассасаси, ўқув қуроллари ва унга муносабат, ихтисослик фанларининг ҳозирда ўқитилиши ва ҳоказо)

Ижтимоий маданий (Ўзбекистон Республикаси ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг тарихий, географик, иқлимий, маданий, маиший хусусиятлари).

Касбга йўналтирилган мавзу (ўрганилаётган ихтисослик тарихи, йўналишлари, соҳанинг буюк намоёндалари, долзарб муаммолари, касбий этика ва ҳоказо).

Умумий босқич Нутқ компетенцияси

Босқичнинг асосий мақсади:

- узлуксиз таълим тизимининг аввалги босқичлари (академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари)да талабалар хорижий тилда эгаллаган малака ва кўникмаларини коррекция қилиш ва тенглаштириш;
- талабаларни нутқ фаолияти турлари бўйича касбий мулоқотга тайёрлашдан иборат;

Тинглаб тушуниш:

- ✓ маъруза, тақдимот ва мунозаралар, радио ва телевидение эшиттиришлари, янгиликлар, интервьюлар, хужжатли фильм ва шу каби оғзаки матнлар;
- ✓ реклама ва эълонлар;
- ✓ тил соҳиблари нутқ ёзувлари (бадий, хужжатли фильмлар, оммавий чиқиш ва ҳоказо);
- ✓ тил соҳибларининг ижтимоий мавзулардаги ўзаро суҳбати;
- ✓ тингланган ахборотнинг асосий мақсади, тўлиқ мазмунини тинглаб тушуниш малака ва кўникмаларини ривожлантириш.

Гапириш:

Диалог нутқ

- ✓ ижтимоий мавзуларда суҳбат ва норасмий диалог;
- ✓ касбий ёки бошқа мавзуларда расмий ва норасмий мунозаралар;
- ✓ мунозарани бошқариш, интервью, музокаралар ва телефон орқали мулоқот олиб бориш.

Монолог нутқ

- ✓ ихтисосликка оид мавзуларда маъруза тайёрлаш ва ўқиш;
- ✓ мунозара, далил ва исботларни олға суриш, фикрни асослаб бериш;
- ✓ реклама ва махсус мавзуларда тақдимот тайёрлаш ҳамда чиқиш қилиш;
- ✓ маълумотларни умумлаштириш, мақолалар ёзиш, муҳокама қилиш.

Ўқиш

- ✓ танишув ўқиш, кўз югуртириб ўқиш ва синчиклаб ўқиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш;
- ✓ хат-хабар, ёзишмалар ва электрон почтани ўқиш;
- ✓ махсус материалларни ўзида акс эттирган аутентик матнларни ўқиш;

- ✓ махсус сўз ва терминларга эга матнларни, илмий ва касбга оид адабиётларни, электрон манбалар ва матбуот материалларини ўқиш.

Ёзма нутқ

- ✓ турли ёзишмалар, хат-хабарлар ва махсус докладлар (эслатма CVs ва ҳоказо) ёзиш;
- ✓ эссе, баён, резюме, тадқиқот иши (мақолалар, битирув малакавий ишлар) ёзиш.

Касбга йўналтирилган босқич

Касбга йўналтирилган босқичнинг асосий мақсади:

- нутқ турлари бўйича касбий соҳада чет тилини амалий эгаллаш;
- талабани ижодий шахс сифатида ривожлантириш;
- соҳа бўйича адабиётларни таржима қилиш малака ва кўникмаларини ривожлантириш;

Тинглаб тушуниш:

- ✓ касбга йўналтирилган аутентик материалларни бир марта эшитиб асосий мазмунини тушуниш ва зарур ахборотни олиш;
- ✓ кундалик воқеалар ҳақида янгиликлар, репортажларни тушуниш, фильм қаҳрамонлари нутқини тушуниш.

Гапириш:

Диалогик нутқ

- тил соҳиблари билан эркин мулоқотда бўлиш ва касбий мавзуларга ўз фикр ва мулоҳазаларини исботлаб бериш;
- суҳбатни бошлаш ва тугатишни билиш, суҳбатдошига таклиф ва маслаҳат бериш, саволларига жавоб бериш, ахборот алмашиш, муҳокама қилинаётган далилларни аниқлаштириш, ўқиган ёки эшитганларини муҳокама қилиш;
- матн асосий мазмунини ифодаловчи лексик ва синтактик қурилмаларга асосланиб гапириб бериш;
- ассоциатив тафаккурга асосланиб мулоҳаза, танқид, баҳолаш далиллар билан исботлаш орқали ўз нутқини тузиш;
- риторик характерга эга диалог нутқ малакаларини такомиллаштириш;
- касбий мулоқотлар, конференция, симпозиум, учрашув ва мунозараларда қатнашиш учун нутқ фаолияти, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш.

Монологик нутқ:

- долзарб муаммо юзасида барча “Тарафдор” ва “Қарши” далилларни келтирган ҳолда ўз фикрини баён қилиш;
- тинглаган ва ўқиган матн мазмунини гапириш;
- мазмунга баҳо бериш;
- ўрганилган мавзулар бўйича ахборот бериш
- ўқиган матнни таҳлил қилиш ва шарҳлаш;
- ўқиган ёки тинглаган матнни қисқача мазмунини баён этиш;
- ўрганилган мавзуда чиқиш қилиш;
- ижтимоий –сиёсий матнларни ўқиб шарҳлаб бериш.

Ўқиш:

Танишув ўқиш

- ✓ матнни луғатсиз, берилган савол ёки умумий мазмунини тушуниш мақсадида ўқиш;
- ✓ матн: 10 % гача нотаниш сўз бўлган илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий, махсус бадий матнлар;
- ✓ матн мазмунини чет тилида ёки она тилида сўзлаб бериш, параграфларни номлаш, тест топшириш.

Синчиклаб (ўрганиб) ўқиш

- ✓ матнни асосий ахборотни ажратиб олган ҳолда мазмунини тўлиқ ва аниқ тушуниб ўқиш.

Ўқиш тезлиги, ҳажми:

- ✓ луғатдан фойдаланиб 1600 босма белгили матнни 1,0 академик соатда ўқиш.
✓ матн:маҳсус, илмий оммабоп 12% гача нотаниш сўзга эга бўлади.

Кўз югуртириб ўқиш:

- матн мазмуни хусусиятларини аниқлаш;
- зарур ахборотни матндан топиш;
- сўз (матн) маъно мазмунини контекст асосида фаҳмлаб олиш;
- матндаги бирламчи (асосий) иккинчи даражали ахборотни ажратиш;
- матн калит сўзларини ажрата олиш;
- матн қисмларига сарлавҳа қўйиш.

Ёзма нутқ

Ёзма нутқ бўйича:

- касбга йўналтирилган босқичда шаклланган малакаларни такомиллаштириш;
- реферат, аннотация ёзиш техникасини такомиллаштириш;
- ҳужжатларни расмийлаштиришни билиш (тузилиши, услуби, ҳужжат тили) ва у асосида ҳужжатларни намунага қараб, схемага кўра, клише ва фразаларни қўллаб, ахборотни ҳисобга олиб, иш юритиш вазиятлари талабларига мос равишда расмийлаштириш;
- берилган мавзуда баён, эссе, резюме тузиш,соҳага оид адабиётлар бўйича реферат ёзиш.

Лингвистик компетенция

Лексик компетенция чет тилида кенг қўлланиладиган рецептив ва репродуктив актив, пассив, потенциал сўз бойлигини оширишга қаратилган бўлиб, унинг таркибига турғун сўз бирикмалари, нутқ намуналари, клише ва касбий терминлар киради. Мазкур лексик минимум тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини ифодалайди.

1-курс “Немис тили” курсининг мазмуни.

Фандан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турларига ажратилган соатларнинг тақсимооти

№	Фаннинг бўлими ва мавзуси, маъруза мазмуни	Соатлар			
		Жами	Маъ-руза	Амал-ий машғу-лот	Мустақил таълим
1.	Das deutsche Alphabet. Vokale-und Konsonantensystem	2		2	
2.	Zahlen/Begrüßung	2		2	
3.	Der einfache Satz. Der Aussagesatz.	2		2	
4.	Das elektronische Kabinett	2		2	
5.	Informationsressourcenzentrum	4		2	2
	*Unsere Familie				
6.	Fragesatz	4		2	2
	*Jahreszeiten				
7.	Die Negationen „nicht“ , „kein“	2		2	
8.	Buchstäblichkeiten/ Betonung	2		2	
9.	Hilfsverben „haben“, „sein“, „werden“ im Präsens	4		2	2

	*Zungenbrecher. Bild: Menschenkörper				
10.	“Sind Sie Studentin?“	4		2	2
	*Im Deutschunterricht				
11.	Hilfsverben „haben“, „sein“, „werden“ im Präteritum	4		2	2
	*Das erste Bekanntschaft				
12.	Mein Lebenslauf	2		2	
13.	Diphtong/Affrikat/Nasale	4		2	2
	*Wie verbringen die Studenten ihre Freizeit				
14.	Die Befehlsätze/“Wißt ihr das?“.	2		2	
15.	Das unpersönliche Pronomen „es und man“.	4		2	2
	*Im Lebensmittelgeschäft				
16.	Die Jahreszeiten	2		2	
17.	Die Grundformen der Verben/die abgeleitete Verben	6		2	4
	*Die modernen Häuser unserer Stadt				
18.	Die Arbeit mit dem Wörterbuch. / Zweigespräch	6		2	4
	*Im Speisesaal.Das Bild: In der Küche				
		58		36	22
1.	Das Präsens der schwachen Verben. / Meine Familie	4		2	2
	*Die Präsidentenwahl in Usbekistan				
2.	Das Präteritum der schwachen Verben	2		2	
3.	Unsere Hochschule	4		2	2
	*Unsere Heimat				
4.	Das Präsens der starken Verben	2		2	
5.	Mein Beruf	4		2	2
	*Bildungswesen der Republik von Usbekistan				
6.	Das Präteritum der starken Verben/ Tagesroutine	2		2	
7.	Das Substantiv/ Genus	4		2	2
	*Fahne von Usbekistan				
8.	Die Hauptstadt der Republik Usbekistan.	2		2	
9.	Deklinaition der Artikel	4		2	2
	*Wappen von Usbekistan				
10.	Unsere Stadt	2		2	
11.	Deklination der Substantive	4		2	2
	*Nachbarstaaten von Usbekistan				
12.	Museen	2		2	
13.	Der Infinitiv/Infinitivgruppen	4		2	2
	* Buchara				
14.	Der Gebrauch des Infinitivs im Satz.	2		2	

15	Die wirtschaftlichen Außenbeziehungen	4		2	2
	*Fergana. Bild: Auf dem Bahnhof				
8	Grammatische/ Lexikalische Übungen	2		2	
9	Das Personalpronomen	6		2	4
	*Amir Temur. Bild: Im Restaurant				
10	Das Possessivpronomen	2		2	
11	Was sagt der Mann?	6		2	4
	*Unsere Universität. Bild: Im Supermarkt				
12	Das Demonstrativpronomen	2		2	-
		64		40	24
	Abschlußkontrolle				
	Insgesamt				
		120		76	44

Изоҳ: (*) – белгиси қўйилган қатордаги мавзу ТМИ мавзуси деб ҳисоблансин.

1-курс

“ Немис тили” курсининг мазмуни

I semester

Besondere Eigenschaften der deutschen Sprache (4St.)

Das deutsche Alphabet. Vokale-und Konsonantensystem

Hörverstehen:Track No20, 53. Optimal. Leseverstehen: Vokale-und Konsonantensystem.

Schreiben: das Alphabet. S.18.G.Usmanowa. Sprechen: das Alphabet

Zahlen/Begrüßung

Hörverstehen:Track N13,50,57Optimal. Leseverstehen: Zahlen. S.20.G.Usmanowa

Schreiben: Begrüßung.Übung4 . Sprechen: Zahlen

Der Satz (4St.)

Der einfache Satz./ Der Aussagesatz

Hörverstehen:Track N18, 36 Optimal. Leseverstehen: der Aussagesatz. G.Usmanowa S.26

Schreiben: Übung 2. S.27. Sprechen: Dialog

Das elektronische Kabinett

Hören: Track N19 Optimal.Lesen: Text lesen S.28.Schreiben: Schlüsselwörter und Wendungen

Schreiben: Übung3,4 S.29

Informationsressourcen-zentrum (4St.)

Informationsressourcenzentrum

Hören: Track N22 Optimal.Lesen:Den Text. S. 35. G. Usmanowa.Schreiben: Schlüsselwörter und

Wendungen. Sprechen: Fragen zum Text

Fragesatz

Hören: Track N24, 46 Optimal.Lesen: Text lesen.Schreiben: Sätze bilden.Sprechen:Dialog bilden.

Die Negationen „nicht“ , „kein“

Hören: Track9 G.Usmanowa S.37.Lesen: Text lesen.Schreiben:Übungen3,4,5 S. 38

Sprechen: Dialog „Monate und Wochentage“S.39

Buchstäblichkeiten/ Betonung

Hören: Track 10,11,12,13,14.Lesen: Phonetische Regel S. 40,41,42.Schreiben: Sätze bilden

Sprechen: Dialog bilden

Hilfsverben „haben“, „sein“, „werden“ im Präsens

Hören: N23 optimal .Lesen: Text lesen. Schreiben: Sätze bilden. Sprechen: Über sich sprechen

“Sind Sie Studentin?“

Hören: N37,38 Optimal. Lesen: Text lesen S.50. Schreiben: Üb. 10 G. Usmanowa
Sprechen: Ich bin Studierende.

Hilfsverben „haben“, „sein“, „werden“ im Präteritum

Hören: N31 Optimal. Lesen: Text lesen. Schreiben: Übungen 4,5,6,7 S.47,48
Sprechen: Fragen und antworten

Mein Lebenslauf

Hören: Voice 1 CD. Lesen: Text lesen Textenversammlung. Schreiben: Lebenslauf schreiben
Sprechen: Autobiographie

Diphthong/Affrikat/Nasale

Hören: Track 15,16 G.Usmanowa. Lesen: Regel lernen S.56,57,58. G.Usmanowa
Schreiben: Beispiele finden und schreiben. Sprechen: Dialog bilden

Die Befehlsätze/“Wißt ihr das?“.

Hören: Voice 2 CD. Lesen: Text lesen S.59. Schreiben: Üb.11,12
Sprechen: Dialog bilden

Das unpersönliche Pronomen „es und man“.

Hören: Voice CD. Lesen: Text lesen. Schreiben: Sätze bilden Üb.3,4 S.64. Sprechen: Dialog bilden

Die Jahreszeiten

Hören: Track 19,20. Lesen: Text lesen S.65. Schreiben: Grammatische Üb.5,6
Sprechen: Jahreszeiten beschreiben

Die Grundformen der Verben/die abgeleitete Verben

Hören: N 62. Optimal. Lesen: Regel lernen S. 77. Schreiben: Beispiele finden
Sprechen: Mein/e Dorf/Stadt

Die Arbeit mit dem Wörterbuch./Zweigespräch

Hören: N64. Optimal. Lesen: Lernen Abkürzungen im Wörterbuch. Schreiben: Lexikalische Übungen. Sprechen: über Mein/e Dorf/Stadt

Das Präsens der schwachen Verben. / Meine Familie

Hören: N65 Optimal. Lesen: Regel lernen. Schreiben: Üb. Sätze bilden. Sprechen: Jahreszeiten

Баҳорги семестр

Das Präteritum der schwachen Verben

Hören: N66 optimal. Lesen: Text lesen. Schreiben: Üb. 4,5. S.94 G.Usmanowa
Sprechen: Zeit und Datum

Unsere Hochschule

Hören: N67,68 Optimal. Lesen: Text lesen S.96. Schreiben: Schlüsselwörter und Wendungen
Sprechen: Unsere Uni

Das Präsens der starken Verben

Hören: Track 25,26 G.Usmanowa. Lesen: Regel lernen S.110. Schreiben: Üb.1,2,3. S.112
Usmanowa
Sprechen: Bild beschreiben

Mein Beruf

Hören: N27 Usmanowa. Lesen: Mein Beruf Text lesen S.114
Schreiben: Schreiben über seinen Traumberuf. Sprechen: Über Traumberuf

Das Präteritum der starken Verben/Tagesroutine

Hören: track 28. Lesen: Tagesroutine S.120. Schreiben: Grammatische Üb.
Sprechen: Das Bild beschreiben.

Das Substantiv/ Genus

Hören: Text hören N70 Optimal. Lesen: Regel lernen S.134,135. Schreiben: Beispiele finden
Sprechen: Die Stunde

Die Hauptstadt der Republik Usbekistan.

Hören: N71 Optimal Track 30. Lesen: Text lesen S.140. Schreiben: Antworten auf zwei Fragen
Sprechen: Taschkent

Der erste Präsident der Republik von Usbekistan

Hören:Voice CD. Lesen: Text lesen. Verteilmaterial. Schreiben: Antworten auf die Fragen

Sprechen: Taschkent

Deklination der Artikel

Hören:N 72 Optimal. Lesen: Lernen die Regel S.150. Schreiben: Beispiele finden

Sprechen:Taschkent

Unsere Stadt

Hören: Track 33 Usmanowa. Lesen: Text S.156. Schreiben:Schlüsselwörter und Wendungen

Sprechen:Unsere Stadt

Deklination der Substantive

Hören: N77. Optimal. Lesen. Regel lernen.Schreiben:Üb1,2,3 S.159

Sprechen: Unsere Stadt

Museen

Hören:Track.34 Usmanowa. Lesen: Üb.a), b) S.160.Schreiben: Üb.a), b) S.160

Sprechen: Museen in Usbekistan

Der Infinitiv/Infinitivgruppen

Hören:Track 35 Usmanowa. Lesen: Regel lernen S.169.Schreiben: Üb.1,2 S.170 Usmanowa

Sprechen:Gedicht S.171

Der Gebrauch des Infinitivs im Satz.

Hören:N77 Optimal. Lesen: Text lesen . Schreiben:Üb.3,4 S170. Sprechen: Gedicht S.171

Die wirtschaftlichen Außenbeziehungen

Hören:Track 36. Lesen: Text lesen S.172.Schreiben:Üb.1,2 S174

Sprechen: Antworten auf die Fragen

Grammatische/ Lexikalische

Übungen

Hören:Track 37 Usmanowa. Lesen: Gespräch lesen S.175

Schreiben:Üb.3,4 S175. Sprechen: Gedicht S.171

Das Personalpronomen

Hören:N79Optimal. Lesen: Regel lernen 185 . Schreiben: Üb.1,2 S.187

Sprechen: Dialog bilden

Das Possessivpronomen

Hören:N80 Optimal. Lesen: Regel lernen 186. Schreiben:Üb.3,4 S.187

Sprechen: Fragen und Antworten

Was sagt der Mann?

Hören:Track 38 Usmanowa. Lesen: Text lesen. Schreiben:Sätze schreiben

Sprechen: Bild beschreiben

Das Demonstrativpronomen

Hören:N81 Optimal. Lesen: Regel lernen 186. Schreiben:Satzr bilden

Sprechen: Fragen und Antworten

Die hohe Geistigkeit-unbesiegbare Kraft

Hören:Track 39. Lesen: Text lesen 190. Schreiben:Üb 1,2,3,4 S.192.

Sprechen: Fragen und Antworten

1-курс

“Немис тили” фанидан 1 – боскич талаблари учун

Талабалар мустақил иши мазмуни

т\р	Мавзулар ва топшириқлар мазмуни	Ажратил ган вақт (соат)	Информацион-услубий таъминот	Бажари лиш муддати
1	Unsere Familie	2	Deutsch.G.Usmanowa	
2	Jahreszeiten	2	Deutsch. G. Usmanowa	
3	Zungenbrecher. Bild: Menschenkörper	2	Deutsch.G. Usmanowa	
4	Im Deutschunterricht	2	Deutsch G. Usmanowa	

5	Das erste Bekantschaft Begrüßung und Verabschiedung	2	Deutsch G. Usmnowa	
6	Wie verbringen die Studenten ihre Freizeit	2	Deutsch G. Usmanowa	
7	Im Lebensmittelgeschäft	2	Deutsch G. Usmanowa	
8	Die modernen Häuser unserer Stadt	4	Deutsch G. Usmanowa	
9	Im Speisesaal. Das Bild: In der Küche	2	Deutsch G. Usmanowa	
10	Die Präsidentenwahl in Usbekistan	2	Deutsch G. Usmanowa	
11	Unsere Heimat	2	Deutsch G. Usmanowa	
12	Bildungswesen der Republik von Usbekistan Das Bild: Im Wald und Wiese	2	Deutsch G. Usmanowa	
13	Fahne von Usbekistan	2	Deutsch G. Usmanowa	
14	Wappen von Usbekistan	2	Deutsch G. Usmanowa	
15	Nachbarstaaten von Usbekistan	2	Internet Deutsch G. Usmanowa	
16	Buchara	2	Internet. Deutsch G. Usmanowa	
17	Fergana. Das Bild: Auf dem Bahnhof	2	Deutsch G. Usmanowa	
18	Amir Temur. Bild: Im Restourant	2	Deutsch G. Usmanowa	
19	Unsere Universität. Im Supermarkt	2	Deutsch G. Usmanowa	
	Insgesamt	46		

Мустақил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни

Чет тили фанидан мустақил ишларининг мақсади - талабаларнинг касбий коммуникатив фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш, уларнинг ижодий фаолиятини ўстириш, ва чет тили устида мустақил ишлай олиш малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш ва ривожлантиришдан иборат. Ушбу умумий мақсадга эришиш учун қуйидаги бир неча вазифаларни бажариш назарда тутилади:

- талабаларнинг тил тайёргарлик сифатини ошириб бориш, тил ва мутахассислик бўйича адабиётлар устида ишлай олиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш;
- ўз касбий билим ва малакаларини кейинчалик мустақил тўлдириб ва янгилаб туриш эҳтиёжларини яратиш ва сақлаб қолиш, чет тили бўйича яратилган малака ва кўникмаларни ўстириб, ривожлантириб бориш;
- талаба бажариши керак бўлган ишларни тўғри ташкил қилиш, келиб чиқадиган қийинчиликларни олдиндан била олиш, ҳис этиш ва уларни бартараф қилиш йўллари топа олиш.

Нутқ фаолияти турлари устида ишлаш учун вақтни тўғри тақсимлаш

Қўйилган мақсадларга эришиш учун ҳар бир дарсда нутқ фаолияти турлари қуйидаги нисбатда бўлиши мақсадга мувофиқ:

тинглаб тушуниш - 25% ;

гапириш - 25%;

ўқиш – 30%;

ёзув – 20% .

Талабалар билимини назорат қилиш

Талабаларнинг чет тили бўйича эгаллаган билим, малака ва кўникмалари жорий, оралиқ ва якуний назоратлар орқали назорат қилинади.

Жорий назорат: ҳар бир дарсда алоҳида талаба билан ишлаб уларнинг дарсга тайёргарлик даражаси савол-жавоб орқали текширилиб, кундалик баҳоар қўйиб борилади.

Оралиқ назорат: кафедранинг фан бўйича ишчи дастурига асосланган ҳолда, ҳар бир семестрга қўйилган талаблар асосида бир қанча дарслар ўтилганидан кейин ўтказилади.

Натижаларни дастурда берилган талаблар билан қиёслаш орқали талабаларнинг малака ва кўникмалари қанчалик ўсганлиги аниқлаб борилади.

Якуний назорат: фан бўйича бакалавриат курсининг якунида ўтказилади. Якуний назорат ўтказилиши натижасида дастур талаблари бўйича касбий чет тили компетенцияси аниқлаб олинади.

Якуний баҳолаш мазмуни

1. Тинглаб тушуниш бўйича:

Касбга йуналтирилган матнни тинглаш ва уни тушунганлигини аниқлаш мақсадида тестлар ечиш.

2. Гапириш бўйича:

Касбга йўналтирилган мавзу бўйича батафсил, синчиклаб, аргументлар билан бойитган ҳолда ўз фикрини баён этиш.

3. Ўқиш бўйича:

Касбий йўналишдаги матнни ўқиб, тушунганлиги асосида тест топшириқларини ечиш. Ўқиган матн мазмунини аниқ ва тўлиқ тушунганлигини текширишни ёзма таржима билан амалга ошириш мумкин. Бунда луғатдан фойдаланишга рухсат берилади.

4. Ёзув бўйича:

Соҳанинг долзарб муаммоларига бағишланган эссе ёзиш.

Баҳолаш мезони

1. Жорий назорат.

1.1. Ўқилган ва ёзган материалларни ўз ичига олган матнлар портфели / портфолио ва уларга ёзилган хулосалар (нимани ўқидингиз, ўқиганларингиз ёқдими ёки ёқмадими, нима учун, сеvimли муаллиф автобиографияси), ҳар бирига максимал 5 баҳо.

1.2. Ўқилган материаллар бўйича суҳбат, икки марта, ҳар бирига максимал 5 баҳо.

2. Оралик назорат. Оралик назорат семестр мобайнида бир марта ўтказилади. Ҳар бир оралик назорат 3-та топшириқдан иборат, ва ҳар бир топшириқ учун талабага максимал 5 баҳо берилади, ҳамма саволарга жавоб берса, талаба 5 баҳо олади. Ҳар бир саволга берилган жавобдаги мазкур фан бўйича битта хато -1га тенг. ОН олишда талабалардан асосан мустақил иш топшириқларига жавоблари сўралади. Мустақил иш сифатида ОНга белгиланган мавзулар бўйича муаммоли топшириқлар берилади (матн таҳлили). Машғулотлар давомида талабаларга модулга мансуб 6-та мавзу берилади. Талабалар ушбу мавзуларни таҳлил қилган ҳолда уларга доклад (оғзаки шаклда) ёки реферат (ёзма шаклда) тайёрлаш лозим. Ҳар бир муаммоли вазият учун максимал 5 баҳо қўйилади.

3. Якуний назорат. Якуний назорат 3-та топшириқдан иборат бўлиши мумкин. Якуний назоратга максимал 5 баҳо қўйилиши мумкин.

Баҳо	Мезон
5 (Аъло)	Турли жанрдаги ёзма матнларни, жумладан таклифнома, таржимаи хол, шахсий ва расмий хатларни ва аризаларни тўғри ёзиш; эшитган, кўрган ва ўқиган мавзуси асосида қисқа иншолар ёза олиш; гапларни грамматик жиҳатдан тўғри тузиш; жумлаларни бир-бирига боғлаш учун ишлатиладиган боғловчилар, кириш сўзларидан тўғри фойдаланиш; иншонинг тузилиши (кириш, асосий қисм ва хулоса), унинг мантикий узвийлиги ва яхлитлигини таъминлай олиш; ёзма нутқда матн жанрига ҳамда мақсадига мувофиқ расмий ёки норасмий услубни танлаб, ёза олиш; ўз фикр ва мулоҳазаларини лингвистик курс

	<p>мавзуларидан келиб чиққан холда иншо мавзулари бўйича ёзма равишда аниқ ва мантикий баён этиш; қиёсий, тахлилий ва танқидий турдаги баёнларни режалаштира олиш ва уларда ўз фикрларини далиларга асосланган тарзда ёзиш; умумий ва ўзларига яқин мавзудаги мақолаларни, учинчи босқичда эса, касбга доир илмий мақолаларни қисқачи мазмунини ёзиш; китоб ёки фильмларнинг мазмунини танқидий фикрларга асосланган холда ёзма баён эта олиши ва уларга қисқа такриз ёза олиш; ёзма нуткдаги турли услублардан махорат билан фойдаланиш; ўз ёзма нутқини таҳрир қилиш ва текшириш орқали она тили интерференцияси муаммоларини аниқлаш ва бартараф этиш; режалаштириш, баҳолаш, таҳрир қилиш ва қайта кўриб чиқиш каби мавзулардан иборат бўлади; тушуниш ва муҳокама қилиш учун босқичма-босқич турли матн турлари (хикоялар, журнал ва газета мақолалари, янгиликлар баёни, интернет матнлари ва хоказолар) билан ишлаш; матнни тушуниш мақсадида турли стратегияларни (асосий фикрларни англаш учун Ўқиш, ғояни билиш учун Ўқиш, махсус маълумотни олиш учун Ўқиш); бадиий адабиётларни (биринчи курсда кичик хикоялар ва шеърлар иккинчи ва учинчи курсдан романлар) шу жумладан, замонавий бадиий матнларни қийналмасдан ўқий олиши ва босқичма-босқич уларда тасвирланган сиёсий, ижтимоий, маънавий, тарихий жараёнларни; Ўқиш, тушуниш ва муҳокама қилиш учун берилган катта ҳажмдаги матн билан ишлай олиш ва тегишли хулоса чиқариш; Ўқиш жараёнида ёзма баёнот, ҳисобот, маърузаларда келтириб ўтилган фикр-мулоҳазаларга ҳамда ўз фикрларига таяниб таҳдил ва муҳокама қилиш; айрим ўринларда луғатлар билан ишлаган холда турли жанр ва соҳаларга оид мураккаб матнларни ўқиб, тушуниб, таҳлил ва муҳокама қила олиш; ўз соҳаларига оид турли матн турларини (кичик хикоялар, журнал ва газета мақолалари, янгиликлар баёни, интернет матнлари) ўқиб, матн юзасидан хулоса чиқара олиш; матнлардаги фикрларни, муаллиф ғоясини ва муболағани аниқлаш; маданият ва санъатга оид мавзулардаги (фильм, театр, бадиий адабиёт) мақола ва такриزلарни ўқиб, ундаги асосий фикрларни айта олиш; ўқиш жараёнида учраши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаб, уларни тўла бартараф этиш; берилган махсус матнлардаги маълумотлар, ғоялар ва фикрларга таяниб, мустақил тарзда илмий маъруза тайёрлай олиш каби етакчи мавзулар ташкил этади.</p>
4 (Яхши)	Турли жанрдаги ёзма матнларни, жумладан таклифнома,

	<p>таржимаи хол, шахсий ва расмий хатларни ва аризаларни тўғри ёзиш; эшитган, кўрган ва ўқиган мавзуси асосида қисқа иншолар ёза олиш; гапларни грамматик жихатдан тўғри тузиш; жумлаларни бир-бирига боғлаш учун ишлатиладиган боғловчилар, кириш сўзларидан тўғри фойдаланиш; иншонинг тузилиши (кириш, асосий қисм ва хулоса). унинг мантикий узвийлиги ва яхлитлигини таъминлай олиш; ёзма нутқда матн жанрига ҳамда мақсадига мувофиқ расмий ёки норасмий услубни танлаб, ёза олиш; ўз фикр ва мулохазаларини лингвистик курс мавзуларидан келиб чиққан ҳолда иншо мавзулари бўйича ёзма равишда аниқ ва мантикий баён этиш; тушуниш ва муҳокама қилиш учун босқичма-босқич турли матн турлари (хикоялар, журнал ва газета мақолалари, янгиликлар баёни, интернет матнлари ва ҳоказолар) билан ишлаш; матнни тушуниш мақсадида турли стратегияларни (асосий фикрларни англаш учун ўқиш, ғояни билиш учун ўқиш, махсус маълумотни олиш учун ўқиш); бадиий адабиётларни (биринчи курсда кичик хикоялар ва шеърлар иккинчи ва учинчи курсдан романлар) шу жумладан, замонавий бадиий матнларни қийналмасдан ўқий олиши ва босқичма-босқич уларда тасвирланган сиёсий, ижтимоий, маънавий, тарихий жараёнларни; Ўқиш, тушуниш ва муҳокама қилиш учун берилган катта ҳажмдаги матн билан ишлай олиш ва тегишли хулоса чиқариш; Ўқиш жараёнида ёзма баёнот, ҳисобот, маърузаларда келтириб ўтилган фикр-мулохазаларга ҳамда ўз фикрларига таяниб таҳлил ва муҳокама қилиш</p>
3(қониқарли)	<p>Турли жанрдаги ёзма матнларни, жумладан таклифнома, таржимаи хол, шахсий ва расмий хатларни ва аризалар тўғри ёзиш; эшитган, кўрган ва ўқиган мавзуси асосида қисқа иншолар ёза олиш; гапларни грамматик жихатдан тўғри тузиш; жумлаларни бир-бирига боғлаш учун ишлатиладиган боғловчилар, кириш сўзларидан тўғри фойдаланиш; тушуниш ва муҳокама қилиш учун босқичма-босқич турли матн турлари хикоялар, журнал ва газета мақолалари, янгиликлар баёни, интернет матнлари ва ҳоказолар) билан ишлаш; матнни тушуниш мақсадида турли стратегияларни (асосий фикрларни англаш учун Ўқиш, ғояни билиш учун ўқиш, махсус маълумотни олиш учун Ўқиш); бадиий адабиётларни (биринчи курсда кичик хикоялар ва шеърлар иккинчи ва учинчи курсдан романлар) шу жумладан, замонавий бадиий матнларни қийналмасдан ўқий олиши ва босқичма-босқич уларда тасвирланган сиёсий, ижтимоий, маънавий, тарихий</p>

	жараёнларни; Ўқиш, тушуниш ва муҳокама қилиш учун берилган катта хажмдаги матн билан ишлай олиш ва тегишли хулоса чиқариш
2(қониқарсиз)	

Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари***

Асосий адабиётлар.

1. Schritte International 1. Kursbuch+Arbeitsbuch. Daniela Niebisch, Sylvette Penning-Hiemstra, Franz Specht, Monika Bovermann, Monika Reimann. Ismaning: Hueber Verlag, 2006.
2. Schritte International 2. Kursbuch+Arbeitsbuch. Daniela Niebisch, Sylvette Penning-Hiemstra, Franz Specht, Monika Bovermann, Monika Reimann. Ismaning: Hueber Verlag, 2006.
3. Schritte International 3. Kursbuch+Arbeitsbuch. Daniela Niebisch, Sylvette Penning-Hiemstra, Franz Specht, Monika Bovermann, Monika Reimann. Ismaning: Hueber Verlag, 2006.
4. Hilke Dreyer – Richard Schmitt . Lehr- und Übungsbuch der deutschen Grammatik. Ismaning: Hueber Verlag, 2000.
5. S.Saidow. Deutsche Grammatik in Übungen. Т. Ўзбекистон нашриёти . 2001.
6. Усманова Г., Мансурова Г., Ишанкулова Н. Deutsch. Учебник немецкого языка. Т. Фан. 2013.
7. Абдуллаева А.Б. Deutsch. Тошкент, 2009.

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т-2016
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Т-2016
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Т-2017
4. Умирзакова Ф.И. “Немис тилида сўзлашувчи мамлакатлар”. Методик қўлланма. Т., 2004.
5. Умирзакова Ф.И. Высшие учебные заведения Германии (методическая разработка). Т., 2006.

6. Умирзакова Ф.И. Zentralasien (тарих йўналиши талабалари учун немис тилидан услубий қўлланма). Т., 2009.
7. Соловьёва Л.Д. Задания для самостоятельной работы по немецкому языку для студентов гуманитарных факультетов. Т. 2009.
8. Соловьёва Л.Д. Методическая разработка по немецкому языку для работы с одарёнными студентами. Т.2007.
9. Немисча – русча, русча – немисча, немисча – ўзбекча луғатлар (барча нашрлар).
10. Tatsachen über Deutschland. Frankfurt/ Main. 2012.

Интернет сайтлари

<http://www.regma.de>

<http://www.krie.de>

<http://www.zum.de>

